



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 14 июнь, № 120 (7350)


Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ БИШКЕК УЧРАШУВЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун 13 июнь куни Бишкек шаҳрига келди.



Бишкек, 13 июнь. ЎЗА махсус мухбири Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ хабар қилди.

«Манас» халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Қирғизистон Бош вазири Мухаммадқалий Абилова кутиб олди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари Қирғизистон

Президентини ШХТдаги муваффақиятлари раислиги билан табриқлади.

Президентлар мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва стратегик шериклик муносабатлари изчил мустақамлашиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этдилар.

Ўзаро савдо ҳамда ортқоқда, иқтисодиётнинг турли тармоқларида кооперация

йўлга қўйилмоқда, маданий-гуманитар алмашув кенгаймоқда.

Учрашувда икки томонлама ҳамкорликка доир ва минтақавий аҳамиятга эга масалалар кўриб чиқилди.

Шавкат Мирзиёев Афғонистон Исломи Республикаси Президенти Ашраф Ғани билан музокара ўтказди.

Давлатимиз раҳбари турли даражадаги икки томонлама мулоқотлар фаоллашгани, ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкор-

лик ва гуманитар алмашувлар кенгайиб бораётганини таъкидлади.

Учрашувда Афғонистоннинг ижтимоий-иқтисодий тикланишига кўмаклашиш ва ушбу мамлакатни Марказий Осиёдаги минтақавий ҳамкорлик жараёнларида жалб этишга қаратилган дастур ва лойиҳаларни рўйбга чиқаришнинг амалий масалалари кўриб чиқилди.

Ашраф Ғани Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш борасидаги фаол сазой-ҳаракатлари учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Давлатимиз раҳбари БМТ Бош қотибининг сиёсий масалалар бўйича ўринбосари Розмари ДиКарло хоним билан ҳам учрашди.

Музокарада Ўзбекистон билан БМТ институтлари ўртасидаги Барқарор тараққиёт мақсадларига эришишга қаратилган кўп қиррали шериклик истиқболлари кўриб чиқилди.

Марказий Осиёда хавфсизлик ва тараққиётни таъминлашнинг долзарб масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Орол фожияси оқибатларини, жумладан, БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида Трест фонди доирасида барқарор этиш бўйича фаол сазой-ҳаракатларни давом эттириш мумкинлиги қайд этилди.

Розмари ДиКарло самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, БМТ Бош қотиби Антониу Гутерришнинг саломи ва эзгу тилақларини етказди. БМТнинг юқори мартабали вакили Яқин Шарқдаги қуролли можаролар ҳудудидан Ўзбекистон Республикаси фуқароларини қайтариш бўйича миссия муваффақиятли амалга оширилганини алоҳида қайд этди.

Учрашув якунида устувор лойиҳа ва дастурларни биргаликда илгари суриш орқали ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустақамлаш борасидаги интилиш қатъий экани таъкидланди.

Шу кунги Қирғизистон давлат филармониясида ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг Бишкек саммити иштироки учун концерт дастури намойиш қилинди.

Саммитнинг асосий тадбирлари 14 июнь куни бўлиб ўтади.

ЎЗА.

СУРАТДА: Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ, АТОМ ЭНЕРГИЯСИ, ОВЧИЛИК ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ МАСАЛАЛАРИ ДЕПУТАТЛАР ТОМОНИДАН КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

2019 йил 13 июнь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини муҳокама қилдилар.

Депутатлар ишни қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлган «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқишдан бошладилар.

Таъкидлаш лозим, мазкур қонун лойиҳаси меҳнат муҳофазаси масалалари, бандлик соҳасида белгиланган кафолатларни таъминлаш ҳамда вояга етмаганлар меҳнатидан фойдаланиш, меҳнатга маъмурий тарзда

мажбурлаш каби ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган.

Қайд этиш жоизки, ушбу лойиҳа қўмиталарда муҳокама қилингандан кўра тортишувларга сабаб бўлган ҳамда қатор нормалар юзасидан депутатлар ўз тақлифларини киритган эдилар. Шу сабабли ҳам мазкур қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида масъул қўмита томонидан шу мазмундаги маъмурий ишларни кўриб чиқиш билан боғлиқ амалиёт чуқур ўрганилди, статистик маълумотлар таҳлил қилинди.



«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДП ФРАКЦИЯСИГА ЯНГИ РАҲБАР САЙЛАНДИ

Жорий йилнинг 13 июнь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракциясининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда партия фракцияси раҳбарини сайлаш ва фракция раҳбари номзодини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари лавозимига кўрсатиш масалалари кўриб чиқилди. Йиғилишда партия фракцияси раҳбарлигига Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси марказий кенгаши раиси, фракция аъзоси Алишер Қодиров сайланди ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари лавозимига Алишер Қодиров номзодини тақлиф қилишга қарор қилинди.

«Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг тақлифига асосан Алишер Қодиров Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари этиб сайланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари этиб сайланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.

УМУМИЙ МАНФААТЛАР ЗАМИРИДАГИ ЯНГИЛЕНИШЛАР

Кеча пойтахтимизда «Марказий Осиё, Мўғулистон, Кавказ ва Афғонистон» (КАМКА) олтинчи минтақавий форуми иш бошлади.

Тадбир ташкилотчилари — КАМКА минтақавий тармоғи, АҚШнинг Марказий Осиё ва Кавказ институти ҳамда Рамсфельд жамғармаси вакиллари-нинг фикрича, жорий йилги форум Марказий Осиёнинг юрагида жойлашган Ўзбекистонда ўтаётгани бежиз эмас. Чунки кейинги йилларда мамлакат ички ва ташқи сиёсатида изчил ислохотлар, янгилашлар амалга оширилмоқда. Халқаро муносабатлардаги прагматик ёндашув юртимиз имиджини оширишга хизмат қиляпти.



Марказий Осиё ва Кавказ институти раиси Фредерик Старр ва бошқа машҳур шахслар бор.

2014 йилда таъсис этилганидан бери форум фаолиятида 25 дан ортиқ мамлакатлардан 160 дан зиёд маърузачилар ва юзлаб иштирокчилар қатнашди. Форум Марказий Осиё, Мўғулистон, Кавказ ва Афғонистонда ҳамда унинг ташқарисида нуфузга эга бўлган турли соҳа вакиллари, ёш етакчилар ва илғор экспертлар билан минтақавий содир бўлаётган жараёнларни чуқурроқ тушуниш, таҳлил учун фикр алмашиш бўйича ноёб имкониятни тақдим этади.

Квирикашвили, АҚШнинг



«Обод марказ» дастури — амалда

МИРЗАЧЎЛДАН ЭСГАН ЭПКИН ТОЛИМАРЖОНГА ҲАМ ЕТИБ КЕЛДИ

Толимаржон шаҳарчаси нафақат Қашқадарё вилояти, балки мамлакатимиз иқтисодиётида ҳам муҳим ўрин тутди. Толимаржон сув омбори Қарши чўлиларини обихайёт билан таъминлайдиган асосий манба ҳисобланади. Қолаверса, Толимаржон иссиқлик электр станцияси ҳам айнан шу ҳудудда жойлашган. 900 мегаватт қувватга эга буг-газ қурилмаларини ўз ичига олган ушбу йirik иншоот юртимиз энергетика салоҳиятининг асосий таянчларидан бири, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бирок Қарши шаҳридан 90 километр, Нишон тумани марказидан 70 километр олинса жойлашган бу манзил йиллар давомида эътибордан четда қолиб кетди. Турли миллат вакилларига мансуб 10 минг 700 дан зиёд аҳоли яшайдиган шаҳарчада ўтган асрнинг 60-йилларида қурилган кўп қаватли бинолар абгор

аҳволга келиб қолди. Қор ва ёмғирда уйлар тоmidан чакка ўтар, канализация тизимлари бутунлай ишдан чиққанди. Электр энергияси, ичимлик суви, табиий газ тармоқлари эса фойдаланиш муддатини аллақачон ўтаб бўлганди.

Бир пайтлар катта тадбирлар ўтказилган маданият саройи харо-



Ифтихор ПИЛЛАЧИЛИК: БИРИНЧИ МАВСУМ БАРАКАСИ

Жорий йилда тўрт марта ипак қурти парваришлаб, юқори сифатли «кумуш тола» етиштиришни мақсад қилган мамлакатимиз пиллачилари биринчи ҳосилни йиғиштириб олдилар.

«Ўзбекипаксаноат» уюшмасидан маълум қилинишича, тайёрланган 19 минг 256 тоннадан зиёд пилланинг асосий қисми юқори навларга қабул қилинди. Бунда зиммаларига олган шартнома мажбуриятини биринчилардан бўлиб бажарган Сурхондарё, Қашқадарё, Жиззах, Фарғона, Андижон, Сирдарё ва Наманган вилоятлари пиллачиларининг улуши, айниқса, салмоқли бўлди.



Очиғи, яқин-яқингача қасаначиларда пиллачиликка нисбатан иштиёқ сусайиб, тармоқда ҳосилдорлик тобора пасайиб кетаётган эди.

салмоқли бўлди.



ТЕРМИНАЛ БОРМИ?

Муомаладаги банк пластик карталари, ўрнатилган тўлов терминаллари, банкомат ва инфокиосклар сони

Январь — апрель ойлари давомида тўлов терминаллари орқали

18 541 011

20 807 981 000 000

268 985

7 566

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

сўмдан иборат тушумлар тушди.

* Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида тайёрланди (1 май ҳолатига кўра).

ТУРИЗМ янгиликлари

Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида "Восход" электрон мусиқа фестивали бўлиб ўтди.

Электрон мусиқа фестивали

Икки кун давом этган тадбирда Италия, Франция, Россия, шунингдек, Ўзбекистон продюсер ва ижрочилари томонидан қатор мусиқий жанрларда куй-қўшиқлар тақдим қилинди.

Миллий стендимиз ташкилотчилар томонидан юқори баҳоланди

Жанубий Кореяда ўтказилган "Seoul International Tourism Industry Fair" (SITIF) 34-халқаро сайёҳлик кўргазмасида Ўзбекистон миллий стенди алоҳида эътироф этилди.



Хусусан, мамлакатимиз делегацияси кўргазманинг энг фаол иштирокчисига бериладиган махсус ёрлик билан тақдирланди.

«Ўзбекистонни туристик «бум» кутмоқда»

Таниқли телебошловчи, продюсер, шоумен ва "Муз-ТВ" (Россия) телеканали дастурий директори Андрей Разиграев ўзининг инстаграм саҳифасида яқин келажақда Ўзбекистонни туристик "бум" кутаётганини қайд этди.



Шу кунларда "Йўлланмасиз таътил" ("Отпуск без путевки") кўрсатувининг наватбадга сонини тайёрлаш мақсадида Россиянинг машҳур "Муз-ТВ" телеканали таъсирга олиш гуруҳи Ўзбекистонда бўлиб турибди.

Телебошловчининг таъкидлашича, тез орада Ўзбекистон сайёҳларга тўлиб кетади.

Тасвирга олиш гуруҳи Ўзбекистонга ташрифи давомида Ташкент, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида ҳам бўлади.

«Халқ сўзи».

МИРЗАЧЎЛДАН ЭСГАН ЭЪЖИН ТОЛИМАРЖОНГА ҲАМ ЕТИБ КЕЛДИ



"Обод марказ" лойиҳаси доирасида дастлаб сувчилар шаҳарчасидаги барча муаммонинг комплекс ечимига қаратилган бош лойиҳа ишлаб чиқилди.

Толимаржон шаҳарчасига асос солинишига бу йил 44 йил тўлади, — дейди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган иxtирочи ва рационализатор, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Рустам Очилов.

Айни пайтда йил бўйи сукунат чўккан чўл бағридаги Толимаржон кўчаларини қудратли техникаларнинг шовқини тугтган.

Қурилгандан буён тузукроқ сувок кўрмаган уйлارнинг ташқи қопламаси кўчирилиб, янгиланмоқда.

тадан барпо қилиняпти. Одамлар но-иложликдан дуч келган жойда қуриб олган тандирлар ўрнида, ҳадемай замонавий айвонли тандир-ўчоқхона-лар ва бошқа маиший объектлар қад кўтарди.

Давлатимиз раҳбари асос солган улкан бунёдкорлик ҳаракати юртимизнинг энг олис ва чегара ҳудудларидан бири — Толимаржонга ҳам янгиланиш эпкинларини олиб келди.

лаш ишлари олиб борилмаганди. Канализация тизими ҳақида эса гап ҳам бўлиши мумкин эмасди.

Дастур доирасида шаҳарчага кириб келадиган 12 километр, ҳудуд ичидаги 25 километр йўллар таъмирланади.

муаммоларининг барҳам топиши — найкин ҳар бир инсон, ҳар бир оила-нинг ўз ҳаётидан рози бўлиб яшашига, балки шаҳарча атрофидаги бепоян майдонларда янги-янги қор-хоналар барпо этилишига ҳам муста-тахкам замин яратди.

Худуддаги болалар мусиқа ва санъат мактаби, спорт мажмуасида кенг қамровли таъмирлаш, ободон-лаштириш ишлари олиб борилмоқ-да.

"Дўстлик" маҳалла фуқаролар йи-гинида 200 ўринли янги тивкувчилик мажмуаси қад ростламоқда.

Ҳудуддаги болалар мусиқа ва санъат мактаби, спорт мажмуасида кенг қамровли таъмирлаш, ободон-лаштириш ишлари олиб борилмоқ-да.

иккита мактабгача таълим, иккита умумтаълим муассаси ва битта касб-хунар коллежида қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилмоқда.

Обод маҳалласидаги 2006 йилда қурилган 216 ўринли 34-умумтаълим мактабида 520 нафардан зиёд ўқувчилар таълим олади.

Толимаржонликлар шу вақтга қадар сифатли тиббий хизмат излаб туман ёки вилоят марказига қатнаш-га мажбур эди.



бирорта замонавий тиббий ускуна келтирилмаган.

Шаҳарчада янги деҳқон бозори, ёшлар гузар, истироҳат боғи, эко ва аквапарклар қурилиши, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, ногирон-лиги бўлган шахслар учун янги ўй-жойлар бунёд этилиши режалашти-рилган.

Умуман айтганда, бугун Толимар-жонга ободлик, эртанги кунга муста-тахкам ишонч ва янги-янги орзу-мақ-садлар кириб келмоқда.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ («Халқ сўзи»).

АСАЛАРИЧИЛАР МУАММОСИ УНИ КИМ ЕЧАДИ?

Вобект туманидаги Мўминобод қишлоғида яшовчи Рамазон Қодиров, ўттиз йилдирки, асаларичилик билан шуғулланади.



Таассуф — "Кўнғирот" маҳалла фуқаро-лар йигини ҳудудида яшайман, — дейди яна бир асаларичи Аваз Раҳматов.

оиласини шу ерда парвариш қиляпти. — Асаларининг фойдаси жуда катта, — дея қуюнчақлик билан сўзлайди у.

каби табиий ўсимликлар гулидан олинган асал минг дардга даво саналади. Уларнинг баҳоси ҳам нисба-тан юқори.

Биз бу асаларичилар билан ви-лоят Туризмни ривожлантириш де-партаменти, маданият бошқармаси, Вобект тумани ҳокимлиги ҳамкор-лигида ташкил этилган "Асал бай-рам" тадбири чоғида сўхбатлаш-дик.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИК, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2019 ЙИЛ 6 АПРЕЛДАН 12 АПРЕЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ.

- 1. Давлат рўйхатидан ўтказилди: 1. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вази-рининг 2019 йил 13 мартдаги 212-сон "Ўзбеки-стон Республикаси Мудофаа вазириликнинг олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгарти-ришлар киритиш ҳақида"ги буйруғи.

Катта Лангар Қуръони: ҲАҚИҚАТМИ ЁХУД АФСОНА?..

Катта Лангар Қуръони мавзусини теран тушуниш учун аввал муқаддас китоб, яъни Қуръони карим тарихига назар ташлаш жоиз. У пайгамбаримиз Мухаммад алайҳиссаломга Жаброил алайҳиссалом воситасида Аллоҳ томонидан нозил қилинган. Қуръони карим ислом динининг асоси, қонун-қоидалари, Аллоҳнинг ўз баъдаларига нисбатан буйруқлари акс этган илоҳий китобларнинг охиригисидир.

ҚУРЪОНИ КАРИМ дастлаб Пайгамбаримиз Мухаммад алайҳиссаломга ваҳий келишига мос равишда, босқичма-босқич, озғани шаклда жамланган.

Қуръони яхлит ҳажмда ёд олганларнинг сони қанча бўлгани тўғрисида олимларнинг фикрлари турлича. Айрим олимлар, Имом ал-Бухорийнинг ҳадисларидан бирига асосланган ҳолда, Қуръон ҳофизларининг сони 7 нафар бўлган деб ҳисоблаганлар. Яна бир ҳадисда Қуръони ёддан билганларнинг сони тўрт нафар, деб кўрсатилган, тарихчилар эса ўнлаб кишилар Қуръони ёддан билганлар, деб ҳисоблайдилар. Тарихий ҳақиқат эса шундан иборатки, Расулulloҳ алайҳиссаломдан Қуръони каримни тўлиқ ёд олганларнинг сони беҳисоб бўлган. Набий алайҳиссаломнинг вафотларидан кўп ўтмай юз берган Ямама яқинидаги жангларда ҳалок бўлганлар ичидан еттидан ортиқ қори саҳобаларнинг борлиги ушбу фикрга далил бўла олади. Бу тўғрисида Имом Моаварий шундай дейди: *“Ушбу тўртликдан бошқа ҳеч қим Қуръони каримни қомил ёд олган, деб ҳисоблаш мумкин эмас. Зеро, саҳобалар турли шаҳарларга тарқаб кетган эдилар”*.

Айни пайтда Пайгамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом Қуръони ёзма кўринишда сақлашга ҳам алоҳида эътибор қаратганлар. Қуръон нозил бўлаётган пайтда ҳали қоғоз муомалада бўлмаган. Набий алайҳиссаломга ваҳий кела бошлаши билан, саҳобалар қўл остларидан ёзувга яроқли нима топсалар, шунга сураларни ёзиб олганлар. Хусусан, дархат пўстлоғи, матолар, тери, яси тошлар, курак суяклар... Пайгамбаримиз вафотларидан сўнг ички низолар оқибатида қўллаб қориларнинг вафот этишлари туфайли Қуръоннинг йўқлиги кетиш хавфи тузилган.

Шунда халифа Абу Бакр (р.а.) саҳобалардан ҳайъат тузиб, уларнинг қўлларида сақланаётган суралар ва оятларни жамлатганлар ва китоб шаклига келтирганлар. Жамланган Қуръони карим пайгамбаримизнинг бевалалари Қуръони ўқиш, Қуръон тажвиди масалаларида Қуръони ўқиш, Қуръон тажвиди масалаларида иштироқлар келиб чиққан. Чунки Қуръон турли ҳолатларда ҳар хил қоидаларга амал қилинган ҳолда ўқилган. Аҳвол шу даражага етиб борганки, мусулмонларнинг бирлигига раҳна тушиш ҳолатлари келиб чиқа бошлаган. Шунда халифа Усмон ибн Аффон саҳобаларнинг қўлида сақланаётган Қуръон қисмларини, халифа Абу Бакр тўплатган китоб шаклидаги Қуръонни олиб ва яна ҳайъат тузиб, мукамал китоб ҳолида жамлайди.

Халифа Усмон жамлатган Қуръон нусхаларининг бири Ўзбекистон мусулмонлари идорасида сақланади ва жуда қўнчилиқ олимларнинг фикрича, бу айнан асл, биринчи нусха ҳолида қолган. Ушбу тарихий манбаларни айтиб ўтаётганимизнинг сабаби шунки, Аллоҳ бизни мана шундай буюк бир неъмат билан тақдирлаган.

Энди бевосита Катта Лангар Қуръони тақдирини эътибор қаратасан. Қашқадарё вилоятининг Қамаш туманида Катта Лангар қишлоғи бор, атрофи тоғли ҳудуд. Ана шу қишлоқда XIV аср бошларида дарвешлар, суфийлар кўчиб келган. Мухаммад Содик деган ўз замонининг машҳур тасаввуф шайхи шу томонларда кўнми топиб, қишлоқ масжидига асос солади. Мазкур табаррук манзил аввал ҳам, ҳозир ҳам зиёратгоҳ вазиқасини ўтаб келмоқда. Унда Мухаммад Содикнинг отаси ва ўғиллари ҳамда ўзларининг қабрлари бор. Маълумки, тасаввуф тарихида Ясавия, Куб-

ровия, Нақшбандия каби суфийлик тариқатлари бўлган. Биз зикр этаятган қишлоқда эса Ишқия тариқатининг шайхлари фаолият юритган.

Кўпчилик учун кема лангарини англадаган сўз, ўрта асрларда қароргоҳ, дарвешлар учун қурилган хонақо маъноларида қўлланилган. Соҳибқирон Амир Темурут даврида дарвешлар, суфийлар алоҳида эътибор билан эъзозланган ва улар учун махсус лангархоналар барпо этилган. Уларнинг аксарияти шажаралари Пайгамбар алайҳиссаломга ёки у кишининг қуввлари Ҳазрат Алига ёки набиравларига бориб тақаллади, дейилади. Ишқия шайхлари Аллоҳдан бошқа ҳеч қимга муҳаббат боғлаш мумкинмас, деган йўлни тутиб, асосан Яратганнинг зикри билан ҳаёт кечирганлар. Таассуфки, Катта Лангарга Ишқия шайхлари қаердан келиб қолишгани, уларнинг миллатлари номаълум. Йиллар, асрлар оралиғида шайхлар ўзбеклашиб, маҳаллий аҳоли билан қариндош бўлиб кетганлар. Баъзи манбаларда уларнинг ироқлик эканликларига ишоралар учрайди. Лекин ушбу таъминлар илмий жиҳатдан чуқур ўрганилмаган. Эътиборли томони шундаки, айнан Ишқия шайхлари ўзлари билан бирга Катта Лангар Қуръони деб аталаётган Қуръони олиб келишган. Ушбу муқаддас китоб Иккинчи жаҳон урушидан олдин ҳам, кейин ҳам олимлар то-

монидан маълум даражада тадқиқ этилган. Таъкидланишича, урушдан олдин Қуръон тўлиқ, яъни 498 саҳифадан иборат бўлган. Кейинчалик саҳифаларнинг сони камайиб боргани тасдиқланган. 2003 йилда Франциянинг

...Париж миллий кутубхонаси, Петербург қўлёзмалар институти ва биздаги саҳифалар бир-бирини тўлдирди. Бизда бор қўлёзма саҳифалари уларда йўқ, улардаги саҳифалар бизда йўқ... Катта Лангар Қуръонининг юртимизга келиб қолганлигининг ўзи илоҳий мўъжиза.

Ўзбекистондаги элчихонасининг маданият масалалари бўйича маслаҳатчи Пьер Шювен деган олим Дин ишлари бўйича қўмитага Катта Лангар қишлоғидаги Қуръон саҳифалари йўқлиги кетаётганини маълум қилади. Тез фурсатда олим ва уламо Абдуразоқ Юнусов (Аллоҳ раҳмат қилсин, ўша пайтлар мусулмонлар идораси раиси ўринбосари вазиқасида эдилар) хизмат сафарига юборилди. У киши қишлоқ аҳли билан маслаҳатлашиб, уларнинг розилигини олиб, Қуръоннинг қол-

ган 12 саҳифасини Тошкентга олиб келди. Ҳозир Лангар қишлоғида айнан шу 12 саҳифанинг хаттолар томонидан кўчириб берилган нусхаси сақланмоқда. Асл нусха эса Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг музейида махсус шароитларда асраб келиняпти.

Катта Лангар Қуръонининг яна бир саҳифаси Ўзбекистон Фанлар академиясининг қўлёзмалар институтида, алоҳида саҳифаси эса Мусулмонлар идораси кутубхонасида, яна икки саҳифа Бухоро ўлкашунослик музейида сақланмоқда. Бухородаги саҳифалар ўз вақтида амирнинг ўлига тегишли кутубхонадан музейга олиingan. Шундай қилиб, юртимизда жами 16 саҳифа Катта Лангар Қуръони деб аталган ноёб Қуръон қўлёзмаси сақланади. 1998 ва 2003 йиллари Санкт-Петербург кутубхонашунос олим Едим Ризван уни тадқиқ қилди ва Голландияда рентген углерод таҳлиладан ўтказди. Аниқланишича, мазкур Қуръон VIII-IX асрларга тегишли экан. Россиянинг Шарқшунослик қўлёзмалар институтида Катта Лангар Қуръони деб аталган Қуръоннинг 81 саҳифаси борлиги маълум. Айрим мутахассислар Катта Лангар Қуръонининг 81 саҳифасини машҳур шарқшунос олим Крачковский Россияга олиб кетган, деган фикрни илгари сурдилар. Аслида, тарихий маълумотларга қўра, ўтган асрнинг 30-йилларидаги очарчилик даврида Нофал исми ливанлик арабининг бева-си Қуръон саҳифаларини Крачковскийга сотган. Унинг эри октябрь инқилобидан аввал Россия Мудоафа вазирига араб тилидан сабоқ берган. Мантқий хулоса шуки, нусхаларни Санкт-Петербургга Нофал олиб келган, у ҳам қимдан сотиб олган ёхуд унга қимдир асраб қўйиш учун берган бўли-

Усмон Қуръони ҳамда Катта Лангар Қуръонининг юртимизга келиб қолганлигининг ўзи илоҳий мўъжиза. Ана шундай улуг муқофотга сазовор бўлганлигимиз юртимизга берилган барака ва фаровонликдан далолатдир. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси марказига тарихимиз, аждодлардан қолган буюк илмий-маърифий меросни тадқиқ қилиш, уни асраб-авайлаш ва тарғиб қилиш вазиқаси юклатилган. Мамалякамизда сақланаётган Қуръони карим қўлёзмалари ҳам ана шу мероснинг таркибий қисми сифатида тадқиқ қилинмоқда.

ши мумкин. Ливанлик арабининг Ўзбекистонга келиши ҳақиқатга мос эмас. Ҳеч қайси манбада бу ҳақда маълумот йўқ. Энг қизиғи, Франция миллий кутубхонасида худди шундай ўлчамларда худди шундай ёзувда Қуръон саҳифалари сақланмоқда. Унинг бир қисмини Наполеон Бонапарт Мисрни босиб олган чоғида, фарангар консули коллекция йиғиш мақсадида харид қилди. Ватанига қайтган, Франция миллий кутубхонасига топширади. Париж миллий кутубхонаси, Петербург қўлёзмалар институти ва биздаги саҳифалар бир-бирини тўлдирди. Бизда бор қўлёзма саҳифалари уларда йўқ, улардаги саҳифалар бизда йўқ. Катта Лангар Қуръони ҳақидаги тарихий маълумотлар мана шундан иборат.

Ҳозир “Ўзбекистон маданият мероси жаҳон тўпламларида” лойиҳаси асосида юртимиз илмий-тарихий ва маданият ёдгорликларининг чет эл коллекцияларидаги асл манбалари ўрганилмоқда. Биз лойиҳа раҳбари Фирдавс Абдуқолиқов билан ишчи ва фаол ҳамкорлик қилмоқдамиз. Мамнуният билан қаёғ этамизки, Санкт-Петербургда ҳамда биздаги саҳифаларни қўшган ҳолда Катта Лангар Қуръонининг факсимиле нусхаси яратилди. Факсимиле нусхалар соҳа илмий текшириш муассасаларига топширилди.

Шу ўринда бошқа бир қизиқарли маълумотга тўхталиб ўтасан. Англияннинг Бирингем шаҳрида XX аср охиридаги бир аспирант йигит тасодифан кутубхонадан икки саҳифа Қуръони топиб олади. Қизиги, ёзув усули ва ўлчами бир хил бўлишига қарамай, улар Катта Лангар Қуръони саҳифалари эмас, Усмон Қуръонига ҳам мос келмайдими. Бу икки саҳифа олимлар томонидан қайта-қайта текширилди. Жумладан, ўтган йили Бирлашган Араб Амирликларининг қўлёзмалар марказида экспертлар атрофича ўрганишди. Саҳифалар халифа Абу Бакр даврига мансуб бўлиши ва Усмон Қуръонидан ҳам, Катта Лангар Қуръонидан ҳам қадимийроқ эканлиги тўғрисида фикрлар билдирди. Лекин Бирингемдаги Қуръон билан Катта Лангар Қуръони саҳифалари, албатта, қисий ўрганилиши керак, негаки, иккала Қуръон ҳам ҳикозий ёзувда битилган. Шу боис илм аҳлини катта ишлар кутиб турибди.

Шоазим МИНОВАРОВ, Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази директори.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

QISHLOQQURILISHBANK

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ҚУЙИДАГИ ЯНГИ ОМОНАТ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

«Инсон манфаати»	«Келажак бунёдкори»
Омонат муддати — 13 ойдан 25 ойгача.	Омонат муддати — 25 ойдан 36 ойгача.
Фоиз ставкаси — йиллик 20%.	Фоиз ставкаси — йиллик 21%.

Ушбу омонатларга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!

Телефонлар: 78-150-93-39, 78-150-72-58.

www.qqb.uz **Хизматлар лицензияланган.**

«Ёзги таътил — 2019»

Ўхшаши йўқ «Анор»

Бўстонлиқ туманининг тоғлар бағридаги ҳушманзара худудда “Анор” болалар соғломлаштириш оромгоҳи фойдаланишга топширилди.

200 ўринга мўлжалланган мазкур маскан дастлабки дам олувчиларни қабул қилди. Янги оромгоҳ бетакдорлиги ва муқо-били йўқлиги билан ажралаб туради. У ўғил-қизларни нафақат мароқли дам олдириш ва жисмоний чинқитириш, айни пайтда уларнинг интеллектуал салоҳиятларини ривожлантириш, ўзлари қизиққан йўналишлар бўйича билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади. Бу ерда барча шароит яратилган. Хусусан, маданият ва маърифат маркази, ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдоналарини ўқиб олган замонавий ахборот-ресурс маркази, энг сўнгги русумдаги кўргазмали воситалар ва жиҳозлар билан таъминланган тўғрақ жоналари, амфитеатр, махсус иситиш тизимига эга су-зич хавзаси, болалар майдон-чалари шулар жумласидандир.

Жорий мавсумда янги оромгоҳда минг нафардан зиёд ўғил-қизлар мароқли дам олади. Дастлабки кундан эътиборан болалар хоржий тиллар ва компьютер саводхонлиги бўйича ўз билимларини оширишга киришдилар. Ёш китоб-хонлар, тасвирий санъат, мо-

«C and H Industry» МЧЖ ХК

Volvo Construction Equipment ва SDLG корхоналарининг

Ўзбекистон Республикаси худудида расмий дилерлик фаолиятини юритиб келмоқда ва қуйидаги махсус қурилиш техникаларини таклиф қилади:

Филдиракли экскаваторлар (ковши ҳажми 0.3 кубдан 1.1 кубгача). Занжирли экскаваторлар (ковши ҳажми 1.0 кубдан 3.0 кубгача).

Шунингдек, SDLG (Хитой Халқ Республикаси) корхонаси VOLVO GROUP таркибига кириб, экскаватор-юклагичлар, фронтал юклагичлар, автогрейдерлар ва катокларни ҳам ишлаб чиқаради.

VOLVO махсус қурилиш техникалари

Филдиракли экскаваторлар **Занжирли экскаваторлар**

SDLG махсус қурилиш техникалари (Volvo Group таркибига киради)

Фронтал юклагичлар **Экскаватор-юклагичлар** **Автогрейдерлар** **Катоклар**

Таклиф этилаётган барча техника учун кафолат муддати тақдим қилинади. Техник хизматлар кўрсатиш маркази ва эҳтиёт қисмлар омбори мавжуд.

Тўлов шартлари: пул ўтказиш, лизинг.

Манзил: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Ўзгарини» ҚФЙ, Белариқ маҳалласи, 712-уй. (Мўлжал: «Турон» автосалони). **Тел.: 90-123-77-77, 71-252-50-03.**

Маҳсулотлар сертификатланган.

Ушбу жойда Сизнинг рекламанингиз бўлиши мумкин эди!

«Халқ сўзи»даги Реклама

бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!

Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй. Тел.: 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklamaxs@mail.ru, reklama@xs.uz

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 57 463 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нарҳда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўзъллар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган таъкилот жаобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — 3. Худойшукроров.
Навбатчи — Ш. Раффоров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. Ўза яқуни — 00.35 Топширилди — 01.05 1 2 3 4 5 6